

Вақф хайрия жамоат фонди раҳбари Мир Арабга ташриф буюрди



05:34 / 09.02.2021 2124

2021 йил 08 февраль куни Вақф хайрия жамоат фонди раҳбари Яхё домла Абдураҳмонов «Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти»га ташриф буюрди. Бу ҳақда билим юрти матбуот хизмати хабар берди.



Билим юрти мударрис ва талабалари билан ўтказилган учрашув чоғида Яҳё домла Абдурахмонов илм олиш фазилати, устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапириб ўтди.



Жумладан, Мир Араб мадрасасининг Ўрта Осиё мусулмонларига қилган хизмати бу даргоҳда таҳсил олган уламоларни ёдга олиб, бугунги кунда таҳсил олаётган толиби илмлар ҳам буюк аجدодларга муносиб ворислар бўлиб етишлари учун зарур тавсиялар берилди.



Учрашув сўнгида Вақф хайрия жамоат фонди томонидан билим юртининг фаол талабаларига китоблар ҳамда эсдалик совғалар топширилди ва мадраса кутубхонасига 32 173 200 сўмлик диний-маърифий китоблар хайрия қилинди.



